

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Т.03.04 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ЗОКИРОВ РУСЛАН САМАДОВИЧ

**300X32H2M2ТЛ ЕЙИЛИШБАРДОШ ОҚ ЧЎЯННИНГ
ЕЙИЛИШБАРДОШЛИГИНИ КАРБИДЛАРНИ ИШҚАЛАНУВЧИ
ЮЗАГА ПЕРПЕНДЕКУЛЯР ЙЎНАЛТИРИШ ҲИСОБИГА ОШИРИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ.**

**05.02.01 – Машинасозликда материалшунослик. Қуймачилик. Металларга термик ва
босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металлар металлургияси. Камёб,
нодир ва радиоактив элементлар технологияси (Қуймачилик ва металларга ишлов
бериш технологияси йўналиши)**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Content of the abstract of dissertation of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Зокиров Руслан Самадович

300X32N2M2TL ейилишбардош оқ чўяннинг ейилишбардошлигини карбидларни ишқаланувчи юзага перпендекуляр йўналтириш ҳисобига ошириш технологиясини ишлаб чиқиш.....3

Зокиров Руслан Самадович

Разработка технологии повышения износостойкости белого износостойкого чугуна марки 300X32N2M2TL за счет расположения карбидов перпендикулярно к изнашиваемой поверхности25

Zokirov Ruslan Samadovich

Development of a technology for increasing the wear resistance of white wear resistant cast iron of grade 300X32N2M2TL due to the arrangement of carbides perpendicular to the wearing surface45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....52

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Т.03.04 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ЗОКИРОВ РУСЛАН САМАДОВИЧ

**300X32H2M2ТЛ ЕЙИЛИШБАРДОШ ОҚ ЧЎЯННИНГ
ЕЙИЛИШБАРДОШЛИГИНИ КАРБИДЛАРНИ ИШҚАЛАНУВЧИ
ЮЗАГА ПЕРПЕНДЕКУЛЯР ЙЎНАЛТИРИШ ҲИСОБИГА ОШИРИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ.**

**05.02.01 – Машинасозликда материалшунослик. Қуймачилик. Металларга термик ва
босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металлар металлургияси. Камёб,
нодир ва радиоактив элементлар технологияси (Қуймачилик ва металларга ишлов
бериш технологияси йўналиши)**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.PhD/T1129 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида (www.tdtu.uz) ва “Ziyonet” Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Тураходжаев Нодир Джахонгирович техника фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Абдуллаев Фатхулла Садуллаевич техника фанлари доктори, профессор
	Самадов Алишер Усманович техника фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Андижон машинасозлик институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.T.03.04 рақамли Илмий кенгашининг 2021 йил «29» декабрь соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Университет кўчаси 2-уй. Тел./факс: (99871) 227-10-32, e-mail: tadqiqotchi@edu.uz.)

Диссертация билан Тошкент давлат техника университети Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (236 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент, Университет кўчаси 2-уй. Тел./факс: (99871) 227-10-32.)

Диссертация автореферати 2021 йил «17» декабрь куни тарқатилган.
(2021 йил «17» декабрдаги № 133 рақамли реестр баённомаси).

К.А.Каримов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Ш.Б.Ташбулатов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, техника фанлари бўйича фалсафа доктори, PhD

Н.С.Дуняшин

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д. профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳонда саноатининг муҳим вазифаларидан бири, қуймакорлик усулида олинаётган қуйма маҳсулотларнинг мустақамлигини ошириш, уларнинг механик ва эксплуатацион хоссаларини яхшилаш орқали иқтисодий самарадорлигини юксалтириш етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Дунё миқёсида жумладан республикамизда ҳам бу соҳада жуда кенг кўламли ва мақсадли илмий-тадқиқотлар. Ейилишга бардошли оқ чўянларнинг ишлаш шароитини эътиборга олиб, қотишманинг структурасини таҳлил қилиш, қотишманинг таркибини замонавий дастурлар ёрдамида ҳисоблаш ва ишлаб чиқиш, қотишма таркибидаги карбидлар жойлашувининг ишқаланувчи юзага параллел перпендекуляр ва бурсак остида жойлашувининг ишқаланишга таъсирини ўрганиш, оқ чўянлар қуйиб олиш жараёнларини оптималлаштириш жуда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда оқ чўянлардан қуйма усулда олинadиган машинасозлик деталларининг ишчи юзаларининг мустақамлиги ва ейилишбардошлигини оширишга йўналтирилган илмий – тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, мақсадли илмий–тадқиқотлар, жумладан, қолип ичида кристалланаётган қуйманинг структурасини шаклланишини бошқариш асосида карбидларнинг ўсиш йўналишини тартиблаштириш, мураккаб шаклга эга бўлган оқ чўян қуймаларининг юпка девордан қалин деворларга ўтиш қисмларида ҳосил бўладиган нуқсонларни бартараф этиш, ейилишбардош оқ чўянлардан маҳсулот олишда ташкил этувчиларнинг қуйишини камайишини таъминлайдиган режимлар ишлаб чиқиш эвазига энергия ва ресурстежамкорликни таъминлайдиган технологияларни яратишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда мустақилликка эришгандан сўнг, қуймакорлик ишлаб чиқаришини ривожлантириш, ейилишга бардошли оқ чўянлардан тайёрланган қуйма маҳсулотларни ишлаб чиқариш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан “...қора ва рангли металл парчалари, чиқиндилари билан ишлаш тартибини такомиллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида”¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, жумладан, оқ чўянлар қуйиб олиш технологияларини янада такомиллаштириш, олинган қуйма деталлар сифатини ошириш, оқ чўяндан деталлар тайёрлашнинг янги замонавий технологияларини қўллаш асосида ушбу соҳани замонавий талаблар асосида ривожлантириш, жумладан, қуйма деталларнинг ейилишга бардошлилигини ошириш учун қотишмаларнинг оптимал таркиби ва термик ишлов бериш меъёрларини ишлаб чиқиш асосида карбидларнинг йўналтирилган кристалланишини

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сон Фармони.//Халқ сўзи, 2017 йил 8 феврал

таъминлаш технологиясини яратиш ва амалиётга жорий этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 июлдаги ПҚ – 3117-сонли «Қишлоқ хўжалигида машинасозлик соҳаси илмий-техникавий базасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 4 январдаги ПҚ – 3459-сонли «Қишлоқ хўжалигининг техник жиҳозланиш даражасини янада ошириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2018 йил 10 майдаги ПҚ – 3712-сонли «Қишлоқ хўжалигини ўз вақтида қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ-3682-сон «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг II. «Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Америка олимлари Цзе Ван, Дэвид К., Ван Акен, Цзинцзин Цин, Томас Дж. Яняк, Томас Э. Клементс, Минчжи Сюй абразив ейилишга бардошли ейилишбардош графитли оқ чўянларнинг термик ва ейилишбардошлик хоссаларини яхшилаш технологиясини ишлаб чиқиш мавзусида олиб борган тадқиқотларида графит кўшилиши натижасида ейилишга қаршилиқ яхшиланган.

Япония ва Таиланд олимлари Jatupon Oparaiboon (Tailand), Prasonk Sricharoenchai (Tailand) Sudsakorn Inthidech(Tailand) Yasuhiro Matsubara (Yaponiya) абразив ейилишга бардошли юқори легирланган оқ чўянларнинг ейилишбардошлигини термик ишлов бериш орқали таркибидаги углерод тузилишини ўзгартириш ҳисобига ейилишбардошликни ошириш технологиясини ишлаб чиқишган.

Хитой олимлари Х. Жиан, Қ. Хао, Х. Зуо, Н. Чен, Й. Ронг Оқ чўянларнинг энг юқори қаттиқлиги ва мустаҳкамлигини таъминлаш мақсадида янги жараёни ишлаб чиқишди. Оқ чўяндан тайёрланадиган майдалагич шарларини ейилишбардошлилигини ошириш учун кўп сиклли термик ишлов бериш орқали исталган микроструктурани олишнинг янги жараёни тобладан сўнг сувда тоблаш ва ҳавода совутиш технологиясини ишлаб чиқишган. Канада ва Австралия олимлари Х. Н. Tang, Lei Li, В. Hinckley К, Dolman, L Parent, D. Y. Li лар юқори хромланган ейилишбардош оқ чўянларнинг таркибидаги ядро-қобиқли бирламчи карбидларнинг юзанинг механик хоссалари ва ейилишбардошликка таъсири мавзусида олиб борган тадқиқотларида таркибида 45 % хром бўлган ейилишбардош оқ чўяннинг таркибидаги углерод миқдорини 1% дан 6 % гача кўтариб, унда ҳосил

бўладиган карбидлар тузилиши ва механик хоссаларга таъсир этиш даражаси аниқланган.

Россия ва Украина олимлари Фирсова Н.В. ва Крылова С.Е. лар термик ишлов беришнинг ейилишбардош оқ чўянларнинг структурасига таъсири мавзусида тадқиқотларни амалга оширдилар. Ўзбек олимлари А.А.Мухаммедов, Б.Қ.Тилабов, Ф.Р.Норхуджаев, С.Д.Нурмуродов, З.Дўстмуродов ва бошқалар оқ чўян ва пўлатларнинг ейилишбардошлигини ошириш учун печдан ташқари ишлов бериш технологиясини ишлаб чиқишган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган ишлаб чиқариш корхонаси илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университетидида илмий – тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Навоий КМК” ДК билан тузилган 2020 йил 26 октябрдаги №2/2020 “300X32H2M2ТЛ ейилишбардош оқ чўяннинг ейилишбардошлигини карбидларни ишқаланувчи юзага перпендекуляр йўналтириш ҳисобига ошириш технологиясини ишлаб чиқиш”(2020 – 2021 йй.) мавзусидаги хўжалик шартномаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. 300X32H2M2ТЛ ейилишбардош оқ чўяннинг ейилишбардошлигини карбидларни ишқаланувчи юзага нисбатан перпендикуляр йўналтириш ҳисобига ошириш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қуймакорлик қолипида совутгични қўллаш асосида ейилишбардош оқ чўяннинг қолип ичидаги йўналтирилган кристалланишини таъминлайдиган совутиш технологиясини ишлаб чиқиш;

қолип ичидаги оқ чўяннинг кокил билан иссиқлик алмашинуви интенсивлиги асосида карбидларни ишқаланувчи юзага нисбатан перпендекуляр жойлашини таъминлаш технологиясини ишлаб чиқиш;

олинаётган қуйма маҳсулотнинг механик хоссаларига совутгич материали ва қалинлигининг боғлиқлик даражасини таҳлил қилиш;

қолип ичидаги оқ чўяннинг кокил билан иссиқлик алмашинувининг математик моделини ишлаб чиқиш;

қуймакорлик қолипида совутгични қўллаш асосида ейилишбардош оқ чўяннинг қолип ичидаги йўналтирилган кристалланишини таъминлайдиган технологиянинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 300X32H2M2ТЛ маркали ейилишга бардошли оқ чўян ва шунингдек, ундан қуйиб олинадиган СЕМСО дробилка ротори танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предмети. Ейилишга бардошли оқ чўянларнинг таркибига боғлиқ ҳолда структура ва эксплуатацион хоссалари ўзгаришини, ейилишга бардошли оқ чўянлардан тайёрланган деталлар структурасини шакллантириб, деталлар олиниш технологиясини қуйишда совитгичларни қўллаган ҳолда карбидларни ишқаланувчи юзага перпендекулчр жойлаштириш ҳисобига ейилишга бардошли оқ чўянлар хоссаларни ўзгариш конуниятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида қотишмалардаги кимёвий элементларнинг таркибий миқдорини ва қотишма структурасини, унинг механик хоссаларини ўрганишда аттестацияланган кимёвий усул ва спектрал русумидаги Рентгенографик анализатор, Metrohm 850 Professional IC русумидаги ион хроматограф, ТБ 5004 прибори, микроскоп МПБ-3, штангенциркул ШЦ-1, металлографик микроскоп МЕТАМ ПБ-23, кўндаланг ва бўйлама юзаларни шлифовка ва полировкалаш учун НЕРИС станогини, оптико эмиссион усулда сканерловчи SPECTROMAXx сканерлаш қурилмаси, (SEM-EDX) маркали Carl Zeiss EVO MA 10/AztecEnergyAdvanced X-Act сканерловчи электрон микроскопларнинг таҳлилий усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

оқ чўян билан қолипнинг иссиқлик алмашинув интенсивлигининг қолип девор қалинлигига боғлиқлик динамикаси асосида оқ чўяндаги карбидларнинг йўналтирилган кристалланишини таъминлайдиган технология ишлаб чиқилган;

оқ чўян роторини айланишидаги балансини таъминлайдиган технология марказдан қочма кучнинг ротор массасига айланиш тезлигининг боғлиқлик графиги асосида ишлаб чиқилган;

модификаторларни қолип ичида қўллаш асосида оқ чўяннинг ейилишбардошлигини ошириш учун модификациялаш технологияси ишлаб чиқилган.

материалнинг теплофизик хоссалари асосида совутгичнинг тури ва геометрик ўлчамлари билан қолипдаги қуйманинг хажми орасидаги иссиқлик алмашинувини таъминлайдиган технология ишлаб чиқилган;

оқ чўян карбидларининг ишчи юзага нисбатан перпендикуляр жойлашини таъминлаш учун қолип ичидаги кристалланиш жараёнини йўналтириш технологияси қуйма билан қолип ўртасидаги ҳарорат градиенти ўзгариш қонунияти асосида ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

300X32H2M2TL маркали оқ чўяндан олинган қуйма маҳсулотларнинг ишчи юзаларининг ейилишбардошлигини ошириш асосида маҳсулотнинг хизмат муддатини ошириш технологияси ишлаб чиқилган;

маҳсус совутгични қўллаш асосида оқ чўяннинг қолип ичидаги йўналтирилган кристалланишини таъминлайдиган совутиш технологияси ишлаб чиқилган ва ишлаб чиқаришга жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация тадқиқотида замонавий усуллар жиҳозларда хусусан ТошДТУ, Ўзбекистон миллий университети илмий тадқиқот маркази ва ва НКМК НМЗ энг замонавий жиҳозларининг металлография ва рентгеноструктура таҳлилари, элемент таҳлил, макроқаттиқлик ва микроқаттиқлиги қийматлари, термик ишлов бериш, ейилишга бардошлилик синовлари натижаларининг тўлиқ ўзаро боғлиқлиги, олинган тажриба натижалари мавжуд тажриба маълумотларига солиштирилганлиги ва реал иқтисодий фойда билан ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қолип остида қўлланиладиган совутгичлар материалининг теплофизик параметрлари асосида совутгичларни қўллашнинг илмий асосларини ишлаб чиқилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти 300X32H2M2ТЛ маркали ейилишбардош оқ чўянларни ишлаб чиқишда юқори қаттиқлик ва тартибланган структура ҳосил қилиш технологиясининг ишлаб чиқилиши ва амалиётга жорий қилиниши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

300X32H2M2ТЛ ейилишбардош оқ чўяннинг ейилишбардошлигини карбидларни ишқаланувчи юзага перпендекуляр йўналтириш ҳисобига ошириш технологиясини ишлаб чиқиш учун олиб борилган илмий тадқиқотлар бўйича олинган илмий натижалар асосида:

300X32H2M2ТЛ маркали ейилишбардош оқ чўяндан олинган суяқ қотишмани куймакорлик қолипига куйишнинг ротор айланишидаги балансини таъминловчи технологияси “Навоий кон-металлургия комбинати” ДКнинг “Навоий машинасозлик заводи”га жорий этилган (“НКМК” ДКнинг 2021 йил 27-сентябрдаги 02-06-07/9277-сонли маълумотномаси). Натижада, роторнинг хизмат қилиш муддати 130 дан 183 соатгача ошириш имконини берган.

махсус совутгични қўллаш асосида ейилишбардош оқ чўяннинг қолип ичидаги йўналтирилган кристалланишини таъминлайдиган совутиш технологияси “Навоий кон-металлургия комбинати” ДКнинг “Навоий машинасозлик заводи”га жорий этилган (“НКМК” ДКнинг 2021 йил 27-сентябрдаги 02-06-07/9277-сонли маълумотномаси). Натижада, карбидлар 90-92% миқдорининг ишқаланувчи юзага нисбатан перпендикуляр жойлашувини таъминлаш ишконини берган.

модификаторларни қўллаш асосида оқ чўяннинг ейилишбардошлигини ошириш учун модификациялаш технологияси “Навоий кон-металлургия комбинати” ДКнинг “Навоий машинасозлик заводи”га жорий этилган (“НКМК” ДКнинг 2021 йил 27-сентябрдаги 02-06-07/9277-сонли маълумотномаси). Натижада, куйма маҳсулотнинг ейилишбардошлигини 8-10% га ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг тадқиқот натижалари 6 та, жумладан 4 та халқаро ва 2 та Республика илмий – амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий ишлар чоп этилган. Ўзбекистон Олий Аттестация Комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этилиши тавсия қилинган илмий нашрларда 9 та илми мақола, жумладан 4 таси Республика ва 5 таси юқори импакт факторли журналларда (1 таси Scopus базасидаги журналда) хорижий журналларда нашр этилган. Илмий иш натижалари бўйича 6 та Илмий-амалий анжуманларда, жумладан 4 та Халқаро илмий-амалий анжуманларда маърузалар билан иштирок этилган ва 6 та тезис чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг жаҳон миқёсида долзарблиги ва зарурлиги асосланган, тадқиқотларнинг мақсад ва вазифаси кўрсатилган, объекти ва предмети тасвирланган, республика илм-фан ва технологияларни ривожлантириш бўйича устувор йўналишларга мос келиши, илмий янгилиги ва тадқиқотнинг амалдаги натижалари кўрсатилган, эришилган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий этилиши, тадқиқот материаллари бўйича эълонлар кўрсатилган, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумот берилган.

Диссертациянинг **«Оқ чўянларни саноатда қўлланилиши ва уларнинг ейилишбардошлигини ошириш бўйича илмий тадқиқотларнинг таҳлили»** деб номланган биринчи бобида оқ чўянларнинг ейилишбардошлигини термик ишлов бериш, оқ чўянларнинг ейилишбардошлигини оширишнинг карбидларга нисбатан таъсир қилиш орқали ошириш усуллари, 300X32H2M2TЛ маркали оқ чўянларнинг саноатда қўлланилиши ва унинг суяқлантириш технологияси таҳлили келтирилган.

Ейилишбардошликни ошириш бўйича қуймакорлик соҳасида сўнгги йилларда чоп этилган материалларни таҳлили шуни кўрсатадики, кўплаб тадқиқотлар термик ишлов бериш ва қотишма таркибидаги элементларни оптималлаштиришга ва кокилга қуйиш орқали қуйма маҳсулот олишга қаратилган. Мазкур ишнинг мавзуси нуқтаи-назаридан қолип остига совутгичларни қўлагандан кейин ейилишга бардошлиликнинг ортиши билан боғланадиган ишларга алоҳида эътибор қаратилган. Кимёвий таркибини ўзгартирмасдан ейилишбардош оқ чўянларнинг структурасини тартибланиш яъни ейилишбардош оқ чўянлар таркибидаги карбидларни ишқаланаётган юзага перпендекуляр йўналтириш 300X32H2M2TЛ маркали оқ чўянлардан олинган маҳсулотларнинг ейилишга бардошлигини таъминлаши кўриб чиқилди.

Диссертациянинг **«Тадқиқот объектини танлаш ва тадқиқот усуллари ишлаб чиқиш»** деб номланган иккинчи бобида ишлатилган роторлар анализи ва ишқаланувчи юзаларни таҳлил қилиш, тадқиқот учун 300X32H2M2TЛ маркали оқ чўяндан намуналар тайёрлаш, 300X32H2M2TЛ маркали оқ чўяннинг микроструктурасини сканерловчи электронмикроскопида таҳлил қилиш бўйича маълумотлар келтирилган.

Хизмат муддати тугаган роторларни таҳлили шуни кўрсатадики, уларда асосан сидирилиб ишқаланган релефларни кузатдик ва бу роторнинг фақат пастки асосида чиғаноқсимон шаклга эга релеф ҳосил қилган.

НКМК ДК НМЗ корхонасининг қуймакорлик цехида тадқиқот ишларини олиб бориш учун дастлабки намуналар структураси ва механик

хоссаларини (қаттиқлик, зарбий қовушқоқлик ва эгилишга мустаҳкамликни текшириш) ўрганиш мақсадида ИСТ–2.5 индукцион печида қум – гилли қолипларга 300X32H2M2ТЛ маркали оқ чўянлар қуйиб олинган.

Олинган қуйма маҳсулотимиз тозалангандан сўнг анализ учун қотишмалардаги кимёвий элементларнинг таркибий миқдорини СРЕКТРОЛАВ- 10М ва қотишма структурасини, унинг механик хоссаларини ўрганишда аттестацияланган кимёвий усул ва спектрал русумидаги Рентгенографик анализатор, ТБ 5004 прибори, микроскоп МПБ-3, штангенциркул ШЦ-1, металлографик микроскоп МЕТАМ ПБ-23, кўндаланг ва бўйлама юзаларни шлифовка ва полировкалаш учун НЕРИС станогини, оптико эмиссион усулда сканерловчи СРЕКТРОМАХх сканерлаш қурилмаси, СЭМ Zeiss EVO MA 10 скайнерловчи электрон микроскоп сканерловчи электрон микроскопларнинг таҳлилий усулларидадан фойдаланилган.

Ейилишга бардошлиликни синаш НМЗ шароитида 300X32H2M2ТЛ маркали оқ чўян намуналарини чархтошга ўрнатилган мослама ёрдамида аниқланди.

Диссертациянинг «**300X32H2M2ТЛ маркали ейилишбардош оқ чўян структурасини тартибли йўналтириш технологиясини ишлаб чиқиш**» деб номланган учинчи бобида турли материалли совутгичларни қолип остида қўллашнинг 300X32H2M2ТЛ маркали ейилишбардош оқ чўянлардан олинган қуйма маҳсулот таркибдаги карбидларнинг йўналишига таъсири ва мис Cu99.9 материалли совутгични 300X32H2M2ТЛ маркали ейилишбардош оқ чўянлардан олинган роторларни қуйишда қолип остида қўллаш ва модификациялаш технологияси келтирилган.

300X32H2M2ТЛ маркали ейилишбардош оқ чўяннинг ейилишбардошлигини карбидларнинг ишқаланаётган юзага перпендекуляр жойлаштириш ҳисобига ошириш учун биз бир неча турдаги материалдаги совутгичларни қўллаб илмий таҳлил қилганимизда мис совутгичли пластинка энг яхши натижани кўрсатган эди. Шу олинган натижалар асосида 3-босқичда мис қалинлиги 50 мм бўлган пластинкали совутгич қўллашни авзал билиб роторлар қуйилди.

300X32H2M2ТЛ маркали ейилишбардош оқ чўяннинг ейилишбардошлигини карбидларнинг ишқаланаётган юзага перпендекуляр жойлаштириш ҳисобига ошириш бўйича дунё олимларини илмий-тадқиқот ишларини ўрганиб, учта таклиф ишлаб чиқилди ва “Навоий КМК” ДКнинг “НМЗ” корхонасининг рангли қотишмаларни сувоқлантириш сеҳида таклифлар асосида 1-тажрибада модел эритиш рақами 1393 бўлган:

1-бўлиб 3та намуна НМЗ шароитида қуйиладиган совутгичсиз ҳолатида,
2-бўлиб 3 та намуна асосида қалинлиги 50мм чўян бўлган совутгич билан,
3- бўлиб асосида 5 мм бўлган мис совутгич билан намуналар қуйиб олинди ва ишлаб чиқаришга тавсия этилди.

1-тажриба хулосалари ўрганилиб таҳлил қилингандан сўнг яна 3та намуна:

1-алюминий АК9 совутгич қалинлиги 50мм

2-мис Cu 99.9 совутгич қалинлиги 50мм

3-бронза БР05Ц5С5 совитгич қалинлиги 50мм

Қуйиш температураси 1400-1425°C 300X32Н2М2ТЛ маркали чўяндан қуйилди. Ҳаво ҳарорати 21°C Ҳавонинг намлиги 55%

Қотишмани таркибидаги хром миқдорини мувофиқлаштириш учун Б65 (возврат) ва қуйма чўян (чушковой чуғун) киритилади. Печга Б65 (возврат) ва қуйма чўян (чушковой чуғун) ҳамда феррохром, ферромolibден киритилиб, суюқлантирилади ва қум-гилли қолипга қуйилади. Биринчи қуйма намуна солиштириш учун ананавий методда қум гилли қолипга қуйилади. Қуйма қолипдан ажратилгандан сўнг НМЗ бош лабораториясида 5 та қисмдан ташкил топган қуйма плиталарнинг қаттиқлиги, кимёвий таркиби ҳамда микроструктураси аниқланади.

ИСТ-2.5 индуксион печида ишлаб чиқилган шихтани суюқлантириб, намуна олиниб, қотишмани кимёвий таркиби “СПЕКТРОЛАБ-10М” ускунаси орқали қуйидаги кимёвий таркиб олинди.

1-жадвал.


1-Намуна. Ананавий методда қум гилли қолипга қуйилган биринчи қуйма намунанинг кимёвий таркиби.

C	Si	Mn	P	S	Cr	Mo	Ni	Cu	B
2.86	0.87	0.48	0.060	0.033	31.02	0.20	1.72	0.33	0.01

1. Қотишмани температураси 1425⁰ С га этганда маълум вақт шу температурада тутиб турилаган сўнг суюқ қотишмани шлакдан ажратиб олиб, қум-гилли қолипга қуйилди.

2. Қуйма қолипда совутилгандан сўнг қум-гилли қолипдан тозаланиб, механик ишлов берилди.

3. Намуналарнинг микрожилвирлари юзасида бир текис тақсимланмаган дендрит структура ва қаттиқлик НВ 474, 474, 415 эканлиги аниқланди.



1.1-расм. Ананавий методда қум гилли қолипга қуйилган биринчи қуйма намуна микроструктураси.

Иккинчи қуйма қуйиладиган қолип остига совитгич сифатида қалинлиги 50мм бўлган чўян плита жойлаштирилади. Қуйма қолипдан ажратилгандан сўнг НМЗ бош лабораториясида 5 та қисмдан ташкил топган қуйма плиталарнинг қаттиқлиги, кимёвий таркиби ҳамда микроструктураси аниқланади.

Намуна-2 натижаси:


ИСТ-2.5 индуксион печида ишлаб чиқилган шихтани суюқлантириб, намуна олиниб, қотишмани кимёвий таркиби “СПЕКТРОЛАБ-10М” ускунаси орқали қуйидаги кимёвий таркиб олинди.

2-жадвал


2-Намуна. Чўян совитгичли совитгич қўлланилгандаги қуйманинг кимёвий таркиби.

C	Si	Mn	P	S	Cr	Mo	Ni	Cu	B
2.83	0.85	0.47	0.056	0.030	31.26	0.20	1.71	0.33	0.01

Қотишмани температураси 1425°C га этганда маълум вақт шу температурада тутиб турилаган сўнг суюқ қотишмани шлакдан ажратиб олиб, қум-гилли қолипга қуйилди. Қуйма қолипда совутилгандан сўнг қум-гилли қолипдан тозаланиб, механик ишлов берилди. Намуналарнинг микрожилвирлари юзасида бир текис тақсимланган дендрит структура ва қаттиқлик НВ 485, 485 447 эканлиги аниқланди. Учинчи қуйма қуйиладиган қолип остига совитгич сифатида қалинлиги 5 мм Мис плита жойлаштирилади. Қуйма қолипдан ажратилгандан сўнг НМЗ бош лабораториясида 5 та қисмдан ташкил топган қуйма плиталарнинг қаттиқлиги, кимёвий таркиби ҳамда микроструктураси аниқланади.



1.2-расм.Қолип остига совитгич сифатида қалинлиги 50мм бўлган чўян плита жойлаштирилгандаги микроструктурада карбидлар совитгич қўйилган томонга тик жойлашган.



1.3-расм.Қолип остига совитгич сифатида қалинлиги 50мм бўлган чўян плита жойлаштирилгандаги микроструктурада карбидлар совитгич қўйилган томондан қаралгандаги кўриниши.

Намуна-3 натижаси:

1.ИСТ-2.5 индуксион печида ишлаб чиқилган шихтани суюқлантириб, намуна олиниб, қотишмани кимёвий таркиби “СПЕКТРОЛАБ-10М” ускунаси орқали қуйидаги кимёвий таркиб олинди.

3-жадвал


3-Наъмуна. Мис совитгичли совутгич қўлланилгандаги қуйманинг кимёвий таркиби.

C	Si	Mn	P	C	Cr	Mo	Ni	Cu	B
2.86	0.84	0.47	0.054	0.029	31.28	0.20	1.70	0.33	0.01

2.Қотишмани температураси 1425⁰ С га этганда маълум вақт шу температурада тутиб турилаган сўнг суюқ қотишмани шлакдан ажратиб олиб, қум-гилли қолипга қуйилди.

3.Қуйма қолипда совутилгандан сўнг қум-гилли қолипдан тозаланиб, механик ишлов берилди.

4.Намуналарнинг микрожилвирлари юзасида бир текис тақсимланган дендрит структура ва қаттиқлик НВ 478, 479, 436 эканлиги аниқланди.




1.4-расм. Қолип остига совитгич сифатида қалинлиги 5мм бўлган мис плита жойлаштирилгандаги микроструктурада карбидлар совитгич қўйилган томонга малум миқдорда тик жойлашган ва майда донатор структура кузатилди.

Олиб борилган илмий тадқиқотлардан олинган хулосага кўра ейилишбардош қуйма маҳсулотлари учун 300X32Н2М2ТЛ маркали қотишманинг ейилишбардошлилигини карбидларнинг ишқаланувчи юзага перпендекуляр жойлаштириш ҳисобига ишқаланишни ошириш лойиҳаси асосида таклифлар берилди ва натижалар олинди.

4-жадвал

№	Параметрлар номи	Параметрлар қиймати		
		1-намуна	2-намуна	3-намуна
1	Қаттиқлик НВ кичик намуна	474	485	478
		474	485	479
2	Қаттиқлик НВ катта намуна	415	447	436



Олинган натижалар:

1- 3та намуна НМЗ шароитида ИСТ-2.5 печида ананавий шароитда куйиладиган совитгичсиз ҳолатида куйилди ва ўрганилди. Натижада намуна микрожилвирлари юзасида бир текис тақсимланмаган дендрит структура кузатилди ҳамда намуна қаттиқлигини аниқлаш учун синов объекти МХ Синов усули МХ-ГОСТ 9012-59. Фойдаланилган синов жиҳозлари ва воситалари ТБ 5004 прибори Микроскоп МПБ-3, штангенциркул ШЦ-1 ёрдамида аниқланган қаттиқлик кўрсаткичи НВ 474, 474, 415 эканлиги аниқланди.

2- 3та намуна НМЗ шароитида ИСТ-2.5 печида 3 та намуна асосида қалинлиги 50мм чўян бўлган совитгич билан куйилди ва ўрганилди. Структурада тартибланган бир текис тақсимланмаган дендрит структура кузатилди. Натижада намуна микрожилвирлари юзасида бир текис тақсимланмаган дендрит структура кузатилди ҳамда намуна қаттиқлигини аниқлаш учун синов объекти МХ Синов усули МХ-ГОСТ 9012-59. Фойдаланилган синов жиҳозлари ва воситалари ТБ 5004 прибори Микроскоп МПБ-3, штангенциркул ШЦ-1 ёрдамида аниқланган қаттиқлик кўрсаткичи НВ 485, 485, 447 эканлиги аниқланди.

3- 3та намуна НМЗ шароитида ИСТ-2.5 печида 3 та намуна асосида 5 мм бўлган мис совитгич билан намуналар куйиб олинди ва ўрганилди. Қолип остига совитгич сифатида қалинлиги 5мм бўлган мис плита жойлаштирилгандаги микроструктурада карбидлар совитгич кўйилган томонга малум миқдорда тик жойлашган ва майда дондор структура кузатилди ҳамда намуна қаттиқлигини аниқлаш учун синов объекти МХ Синов усули МХ-ГОСТ 9012-59. Фойдаланилган синов жиҳозлари ва воситалари ТБ 5004 прибори Микроскоп МПБ-3, штангенциркул ШЦ-1 ёрдамида аниқланган қаттиқлик кўрсаткичи НВ 478, 479, 436 эканлиги аниқланди.

Иккинчи таклиф:


1. Биринчи 3 та намуна, асосида қалинлиги 50мм Алюминий АК9 бўлган совитгич билан, экспериментал қотишмани суюқлантириб олиш учун,
2. Иккинчи 3 та намуна, асосида қалинлиги 50 мм мис Cu 99.9 бўлган совитгич билан, экспериментал қотишмани суюқлантириб олиш учун, экспериментал қотишмани суюқлантириб олиш учун,
3. Учинчи 3 та намуна, асосида қалинлиги 50мм Бронза БРО5Ц5С5 бўлган совитгич билан, экспериментал қотишмани суюқлантириб олиш учун қуйидаги кимёвий таркибли намуналар қуйилди.



1.5-расм. 3 совитгич: асосида қалинлиги 50мм Алюминий АК9 бўлган совитгич билан, асосида қалинлиги 50 мм мис Cu 99.9 бўлган совитгич билан, асосида қалинлиги 50мм Бронза БРО5Ц5С5 бўлган совитгич билан.




1.6-расм. Қолип остига совитгич сифатида қалинлиги 50мм бўлган Алюминий АК9 плита жойлаштирилгандаги микроструктурада карбидлар совитгич қўйилган томонга тик жойлашган.



1.7-расм. Қолип остига совитгич сифатида қалинлиги 50мм бўлган Алюминий АК9 плита жойлаштирилгандаги микроструктурада карбидларнинг совитгич қўйилган томондан қаралгандаги структураси




1.8-расм.Қолип остига советгич сифатида қалинлиги 50мм бўлган Мис Cu 99.9 плита жойлаштирилгандаги микроструктурада карбидлар советгич қўйилган томонга тик жойлашган.



1.9-расм. Қолип остига советгич сифатида қалинлиги 50мм бўлган Мис Cu 99.9 плита жойлаштирилгандаги микроструктурада карбидларнинг советгич қўйилган томондан қаралгандаги структураси




1.10-расм.Қолип остига советгич сифатида қалинлиги 50мм бўлган Бронза БРО5Ц5C5плита жойлаштирилгандаги микроструктурада карбидлар советгич қўйилган томонга тик жойлашган.



1.11-расм. Қолип остига советгич сифатида қалинлиги 50мм бўлган Бронза БРО5Ц5C5 плита жойлаштирилгандаги микроструктурада карбидларнинг советгич қўйилган томондан қаралгандаги структураси.

№	Параметрлар номи	Параметрлар қиймати		
		1-намуна Алюминий АК9	2-намуна Мис Cu 99.9	3-намуна Бронза БРО5Ц5С5
1	Қаттиқлик НВ	514	555	555
2	Қаттиқлик НВ	516	558	552
3	Қаттиқлик НВ	514	553	556



1.12-расм. Асосида қалинлиги 50мм бўлган Алюминий АК9 бўлган советгич, асосида қалинлиги 50 мм мис Cu 99.9 бўлган советгич ва асосида қалинлиги 50мм Бронза маркаси БРО5Ц5С5 бўлган советгич қўлланилганда қаттиқликлар.

Олинган натижалар:

1. 3та намуна НМЗ шароитида ИСТ-2.5 печида 3 та намуна асосида алюминий АК9 советгич қалинлиги 50мм бўлган советгич билан намуналар қуйиб олинди ва ўрганилди. Қолип остига советгич сифатида алюминий АК9 советгич қалинлиги 50мм бўлган советгич жойлаштирилгандаги микроструктурада карбидлар советгич қўйилган томонга 90 фоизга яқин карбидларнинг тик жойлашган. Намауна қаттиқлигини аниқлаш учун синов объекти жиҳозлари ва воситалари ТБ 5004 прибори Микроскоп МПБ-3, штангенциркул ШЦ-1 ёрдамида аниқланган қаттиқлик кўрсаткичи НВ 555, 558, 553 эканлиги аниқланди.

2. 3та намуна НМЗ шароитида ИСТ-2.5 печида 3 та намуна асосида мис Cu 99.9 советгич қалинлиги 50мм бўлган советгич билан намуналар

қўйиб олинди ва ўрганилди. Қолип остига совитгич сифатида мис Cu 99.9 совитгич қалинлиги 50мм плита жойлаштирилгандаги микроструктурада карбидлар совитгич қўйилган томонга 90-92 %га яқин карбидларнинг тик жойлашган ва майда дондор структураси кузатилди. Намауна қаттиқлигини аниқлаш учун синов объекти жиҳозлари ва воситалари ТБ 5004 прибори Микроскоп МПБ-3, штангенциркул ШЦ-1 ёрдамида аниқланган қаттиқлик кўрсаткичи НВ 555, 558, 553 эканлиги аниқланди.

3. 3та намуна НМЗ шароитида ИСТ-2.5 печида 3 та намуна асосида бронза БРО5Ц5С5 совитгич қалинлиги 50мм бўлган совитгич билан намуналар қўйиб олинди ва ўрганилди. Қолип остига совитгич сифатида 3-бронза БРО5Ц5С5 совитгич қалинлиги 50мм плита жойлаштирилгандаги микроструктурада карбидлар совитгич қўйилган томонга 85-90 % га яқин карбидларнинг тик жойлашган ва майда дондор структураси кузатилди. Намауна қаттиқлигини аниқлаш учун синов объекти жиҳозлари ва воситалари ТБ 5004 прибори Микроскоп МПБ-3, штангенциркул ШЦ-1 ёрдамида аниқланган қаттиқлик кўрсаткичи НВ 555, 552, 556 эканлиги аниқланди.

Олиб борилган илмий тадқиқотларга таянган ҳолда мис Cu99.9 пластинкали совитгичларни қўллаш энг юқори самарадорликни берди. Шундан келиб чиқиб турли қалинликдаги мис Cu99.9 пластинкали совитгичларни қўллаб намуналар текширилди. Бунда тадқиқотлар айнан мис пластинкали совитгичларнинг геометрик ўлчамлари ўзгартирилган ҳолатда қолип остида қўлланилиб қўйма намуналар олинди. Ҳар бир намуна механик хоссалари ва структуралари илмий баҳоланиб чуқур таҳлил қилинди. Бунда олинган натижалар шуни кўрсатадики, совитгич қалинлиги ортиб борган сари механик ва структуравий хоссалар яхшиланиб, маълум миқдордан сўнг механик хоссалар пасайиб структурада нуқсонлар пайдо бўла бошлади.

1.Материал Мис Cu99.9, қалинлиги 5мм бўлган совитгич қўлланилганда материалнинг қаттиқлиги 479 НВ ни ташкил етди. Структура микроанализ қилинганда 70-75% карбидлар совитгич қўйилган томонга перпендекуляр жойлашди. Қотишма таркибидаги Темир, углерод ва хром структурада ўзаро бирикиб Cr_3C_7 M_7C_3 ва $M_{23}C_6$ типидagi карбидларни ҳосил қилган. Карбидлар 2-3 мкмни ташкил этган дондорлик майда. Таркиб асосан темир карбиди, хром карбидидан ташкил топган. Карбидларнинг тартибланган чуқурлиги 3-4мм. Структурада микродарзлар йўқ ва ҳеч қандай газ пуфаклари ҳосил қилган нуқсонлар кузатилмади.

2.Материал Мис Cu99.9, Қалинлиги 20мм бўлган совитгич қўлланилганда материалнинг қаттиқлиги 496НВ ни ташкил етди. Структура микроанализ қилинганда 75-78% карбидлар совитгич қўйилган томонга перпендекуляр жойлашди. Қотишма таркибидаги Темир, углерод ва хром структурада ўзаро бирикиб Cr_3C_7 M_7C_3 ва $M_{23}C_6$ типидagi карбидларни ҳосил қилган. Карбидлар 2-3 мкмни ташкил этган дондорлик майда. Таркиб асосан темир карбиди, хром карбидидан ташкил топган. Карбидларнинг тартибланган чуқурлиги 4-5 мм. Структурада микродарзлар йўқ ва ҳеч қандай газ пуфаклари ҳосил қилган нуқсонлар кузатилмади.

3.Материал Мис Cu99.9, Қалинлиги 30мм бўлган совутгич қўлланилганда материалнинг қаттиқлиги 505 НВ ни ташкил етди. Структура микроанализ қилинганда 78-80% карбидлар совутгич қўйилган томонга перпендекуляр жойлашди. Қотишма таркибидаги Темир, углерод ва хром структурада ўзаро бирикиб Cr_3C_7 M_7C_3 ва $M_{23}C_6$ типдаги карбидларни ҳосил қилган. Карбидлар 2-3 мкмни ташкил этган донадорлик майда. Таркиб асосан темир карбиди, хром карбидидан ташкил топган. Карбидларнинг тартибланган чуқурлиги 5-6 мм. Структурада микродарзлар йўқ ва ҳеч қандай газ пуфаклари ҳосил қилган нуқсонлар кузатилмади.

4.Материал Мис Cu99.9, Қалинлиги 40мм бўлган совутгич қўлланилганда материалнинг қаттиқлиги 523 НВ ни ташкил етди. Структура микроанализ қилинганда 80-82% карбидлар совутгич қўйилган томонга перпендекуляр жойлашди. Қотишма таркибидаги Темир, углерод ва хром структурада ўзаро бирикиб Cr_3C_7 M_7C_3 ва $M_{23}C_6$ типдаги карбидларни ҳосил қилган. Карбидлар 2-3 мкмни ташкил этган донадорлик майда. Таркиб асосан темир карбиди, хром карбидидан ташкил топган. Карбидларнинг тартибланган чуқурлиги 7-8 мм. Структурада микродарзлар йўқ ва ҳеч қандай газ пуфаклари ҳосил қилган нуқсонлар кузатилмади.

5. Материал Мис Cu99.9, Қалинлиги 50 мм бўлган совутгич қўлланилганда материалнинг қаттиқлиги 558 НВ ни ташкил етди. Структура микроанализ қилинганда 90-92 % карбидлар совутгич қўйилган томонга перпендекуляр жойлашди. Қотишма таркибидаги Темир, углерод ва хром структурада ўзаро бирикиб Cr_3C_7 M_7C_3 ва $M_{23}C_6$ типдаги карбидларни ҳосил қилган. Карбидлар 2-3 мкмни ташкил этган донадорлик майда. Таркиб асосан темир карбиди, хром карбидидан ташкил топган. Карбидларнинг тартибланган чуқурлиги 10-12мм. Структурада микродарзлар йўқ ва ҳеч қандай газ пуфаклари ҳосил қилган нуқсонлар кузатилмади.

